Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 17 сентябрь, № 193 (9364) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ» ФОРМАТИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШТА СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг таклифига биноан 13 — 16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.





Давлатимиз раҳбари 16 сентябрь куни Сеул шаҳрида биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида иштирок этди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён раислигида ўтказилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси ўртасида хавфсизлик, бир-бирини тўлдириб турадиган амалий ҳамкорлик, гуманитар алмашинувлар каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Корея Республикаси стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаб иш тута олишини намойиш этган ҳолда, Марказий Осиё тимсолида яқин ва ўзаро манфаатли шериклик учун улкан салоҳиятни 2007 йилдаёқ биринчилардан бўлиб кўрганини таъкидлади.

— Биз Корея томонининг мамлакатларимизни саноатлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини самимий қадрлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу мустаҳкам алоқаларнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади — улар Буюк Ипак йўлидаги карвон йўлларидан бошланган. Мустаҳкам дўстлик замирида ҳаётий қадриятларимизнинг муштараклиги — кекса авлодга чуқур ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, она заминга меҳр ва садоқат каби асосий ҳаётий қадриятлар мужассам.

— Кўп миллатли Марказий Осиё оиласининг ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси халқларимизнинг бирдамлиги ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин рамзидир, — дея таъкидлади Президентимиз.

Бугунги кундаги асосий вазифа нафақат ҳамкорлик бўйича эришилган суръатни сақлаб қолиш, балки бу муваффақиятларни янада жадал тус бериш учун пойдеворга айлантиришдан иборат экани таъкидланди.

Марказий Осиё ва Корея Республикасининг қудратли салоҳиятларининг қўшилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш борасида янги уфқларни очади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти ҳамкорликнинг бешта стратегик йўналиши бўйича таклифларни илгари сурди.

Биринчи йўналиш ҳамкорликни режалаштиришнинг узоқ муддатли уфқларини шакллантиришни қамраб олади.

— Бугунги замонавий дунёдаги глобал ўзгаришлар суръати давлатларнинг унга мослашиш имкониятидан тобора илгарилаб кетмоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгартирмоқда. Иқлим ва сув билан боғлиқ хавф-хатарлар келгуси бир неча ўн йилликлар учун мўлжалланган ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Таълим, инфратузилма, технология ва инсон капиталига нисбатан янги талаблар пайдо бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу таҳдидларга жавобан “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” деб номланган узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Унинг бош мақсади — келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаб олишдир.

Ушбу таҳдидларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини яратиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали рақамли келажак хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам умумий эътибор марказида бўлиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ» САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Ли Чжэ Мён Жаноби Олийлари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Гўзал Сеул шаҳрида яна бир бор бўлиб турганимдан ғоят мамнунман. Ушбу мегаполисга ташриф буюрар эканман, унинг жадал тараққиёти ва бетакрор қиёфаси мени ҳар сафар ҳайратга солади.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён Жаноби Олийларига тарихдаги биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити юксак даражада ташкил этилгани ва самимий меҳмондўстлик учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ушбу ноёб ҳамкорлик платформасининг муҳимлиги ҳақида билдирилган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Корея Республикаси стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаб иш тута олишини намойиш этган ҳолда, Марказий Осиё тимсолида яқин ва ўзаро манфаатли шериклик учун улкан салоҳиятни 2007 йилдаёқ биринчилардан бўлиб кўрди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида барпо этилмоқда. Ҳамкорлигимизнинг мақсадлари мутлақо очиқ, прагматик ва бунёдкорлик хусусиятига эга.

Биз Корея томонининг мамлакатларимизни саноатлаштириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини самимий қадрлаймиз.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Корея яриморолида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатингизни қатъий қўллаб-қувватлайди.

Бизнинг мустаҳкам алоқаларимизнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Улар Буюк Ипак йўлидаги карвон йўлларидан бошланади. Ушбу мустаҳкам дўстлик замирида нафақат ўзаро манфаат, балки маънавий-ахлоқий қардошлик ҳам мужассам.

Кекса авлодга чуқур ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, она заминга меҳр ва садоқат каби асосий ҳаётий қадриятлар халқларимиз учун бирдек яқиндир.

Кўп миллатли Марказий Осиё оиласининг ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси халқларимизнинг бирдамлиги ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин рамзидир.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз фақат ҳамкорлик бўйича эришилган суръатни сақлаб қолиш эмас, балки бу муваффақиятларни янада юқори сифат билан олдинга боришнинг пойдеворига айлантиришдан иборат.

Марказий Осиё жаҳон бозорларидаги беқарорликка қарамасдан, 6 фоиздан зиёд ўсиш суръатларини намойиш этмоқда. Умумий ялпи ички маҳсулот ҳажми 500 миллиард долларлардан ошди.

Саксон миллион нафардан ортиқ аҳолига эга бўлган мамлакатларимиз ишонч билан Евроосиёнинг “барқарорлик минтақаси” ва “глобал боғлиқлик маркази”га айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, Корея Республикаси замонавий технологиялар, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш соҳасида дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Ишончим комилки, ушбу икки қудратли салоҳиятнинг қўшилиши биз учун ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш борасида янги уфқлар очади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун сизлар илгари сурган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мен ҳамкорликнинг бешта стратегик йўналиши бўйича таклифларимизни билдирмоқчиман.

Биринчи йўналиш ҳамкорлигимизни режалаштиришнинг узоқ муддатли уфқларини шакллантиришни қамраб олади.

Бугунги замонавий дунёдаги глобал ўзгаришлар суръати давлатларнинг унга мослашиш имкониятидан тобора илгарилаб кетмоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгартирмоқда. Иқлим ва сув билан боғлиқ хавф-хатарлар келгуси бир неча ўн йилликлар учун мўлжалланган ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Таълим, инфратузилма, технология ва инсон капиталига нисбатан янги талаблар пайдо бўлмоқда.

Бундай шароитда воқеалар ривожини чуқур англаш, тараққиёт борасида пайдо бўлаётган имкониятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни амалга ошириш учун шароит яратиш қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ана шу таҳдидларга жавобан **“Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик”** деб номланган узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Унинг бош мақсади — келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаб олишдир.

Ушбу ҳужжатдаги вазифаларни амалга ошириш учун Жадал ривожланиш лойиҳалари портфелини шакллантириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Унга мамлакатларимиз учун янги ўсиш манбалари ва узоқ муддатли имкониятларни яратишга қодир бўлган, катта бурилиш ясайдиган ташаббуслар киритилиши керак.

Рақамли келажак хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам умумий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Кибертаҳдидларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини яратиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бундай муносабатлар натижасида бизнинг ҳамкорлигимиз ягона стратегик ёндашув ва эртанги кунимизнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилади.

Иккинчи соҳа бизнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий имкониятларимизни ягона бизнес мантиғи доирасида бирлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда Марказий Осиё фақат хомашё етказиб берадиган минтақа эмас. Мамлакатларимиз инновацион ва технологик ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтирган ҳолда, қўшимча қийматнинг глобал занжирларига фаол қўшилмоқда.

Бизнинг минтақамиз савдо бўйича хавф-хатар зоналаридан ташқарида жойлашган ишлаб чиқариш майдонларига эга экани ва маҳсулотларга талаб тез ўсиб бораётгани билан Корея Республикаси учун Евроосиёдаги алмаштириб бўлмайдиган ҳамкорга айланиши мумкин.

Биз саноат ва савдо вазирлари учрашувлари платформасини яратиш тўғрисидаги ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу мувофиқлаштирувчи механизмнинг таъсис этилиши ўзаро савдони сезиларли даражада кўпайтириш учун биргаликда самарали ечимларни топиш имконини беради.

Тўсиқларни бартараф этиш, сертификатлаш бўйича тартиб-таомилларни ва маҳсулотларнинг маҳаллий савдо платформаларига ўзаро кириб боришини соддалаштириш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни кўриш муҳимдир.

Аминманки, ушбу қадамлар бизга улкан, аммо тўлиқ эришса бўладиган мақсадни амалга ошириш — 2030 йилга бориб минтақамиз мамлакатларининг Корея билан савдо айланмасини 20 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Саноат кооперацияси ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш доирасида Ўзбекистонда “Марказий Осиё — Корея” саноат-технология паркини жойлаштиришга тайёрмиз. Ушбу парк минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни автокомпонентлар, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри шериклик алоқаларини йўлга қўйишни иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи, деб ҳисоблаймиз.

Келгуси йили Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Корея учинчи ҳудудлараро форумида барча мамлакатлардан маҳаллий ҳокимлик ва бизнес вакилларини кўришдан мамнун бўламиз.

Учинчи йўналиш нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очишга қаратилган.

Бу йўналиш Марказий Осиё ва Корея ўртасида стратегик манфаатларнинг ноёб уйғунлигини яратади. Ушбу қимматбаҳо хомашёга бўлган талаб тез ўсиб бораётгани ва унинг Марказий Осиёдаги улкан захираларини ҳисобга олган ҳолда, минтақа жаҳон бозорида етакчи етказиб берувчилардан бирига айланишга қодир. Бу борада Кореянинг илғор технологиялари ва капитали ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Шу муносабат билан биз нодир минераллар бўйича Минтақавий инвестициявий альянсни ташкил этишни таклиф этамиз. Мазкур ташаббус минтақада ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари — геология-қидирув ва қазиб олишдан тортиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган йирик саноат кластерларини ташкил этишга қаратилган.

Ҳамкорлигимизнинг **тўртинчи йўналиши** “яшил” тараққиёт ва иқлим ўзгаришига мослашиш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Корея Париж келишуви доирасида хорижий мамлакатларда иқлимга оид лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган, бизнинг минтақамиз эса “яшил” инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш ва ишончли платформа бўлишга тайёр.

Ушбу имкониятларни бирлаштириш мақсадида Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углерод ҳамкорлиги бўйича форматни ишга туширишни таклиф этамиз.

Биз иқлим, энергетик ўтиш ва ҳаво сифати бўйича қўшма ташаббусни олқишлаймиз. Умид қиламизки, бу Корея технологиялари трансферига, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг даврий ва кам углеродли иқтисодиётга муваффақиятли ўтишига ёрдам беради.

Бешинчи йўналиш фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича биргаликда ишлашни назарда тутади.

Марказий Осиё — алоҳида демографик энергияга эга бўлган минтақа бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Айнан ёш авлод мамлакатларимизнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Биз муҳандислик, технология ва рақамли соҳалардаги мутахассисларга талаб ортиб бораётган вазиятга дуч келмоқдамиз.

Биз учун ёш авлод келгусида илғор билимлар, кўникмалар ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имконига эга бўлган ҳолда, замонавий технологик иқтисодиётнинг бир қисмига айланиши жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан инсон капиталини ривожлантириш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликни шакллантиришни таклиф этамиз. Бу ҳамкорлик “буюртма — ўқитиш — бандлик” деган аниқ тамойилга асосланиши керак.

Биз истиқболли Корея бизнесининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини минтақамизнинг таълим соҳасидаги салоҳияти билан бевосита боғлашда кўрмоқдамиз. Бундай ёндашув кўплаб истеъдодли ёшлар учун касбий ривожланиш учун йўл очади ва қўшма лойиҳаларимиз бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кафолатлайди.

Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этиш, минтақада кенг қамровли технологик база ва кўникмаларни яратишда ёшларнинг алоҳида ўрни ва ролига талаб катта.

Президент Ли Чжэ Мён Жаноби Олийларининг “Ўхшаши йўқ Корея” доктринасини ушбу кенг кўламли жараён учун Марказий Осиёдаги асосий таянч майдонлардан бирига айлантиришни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамкорлигимизни кенгайтира оламиз, уни янги лойиҳалар билан тўлдириб, мавжуд улкан салоҳиятдан мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида фойдалана оламиз, деб ишонаман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон келгуси йилда Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ва корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини энг юқори даражада ўтказишга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 17 сентябрь

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ – КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ» ФОРМАТИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БЕШТА СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иккинчи соҳа савдо-иқтисодий ва инвестициявий имкониятларни ягона бизнес мантиғи доирасида бирлаштиришга қаратилган.

— Бугунги кунда Марказий Осиё фақат хомашё етказиб берадиган минтақа эмас. Мамлакатларимиз инновацион ва технологик ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтирган ҳолда, қўшимча қийматнинг глобал занжирларига фаол қўшилмоқда, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Саноат ва савдо вазирлари учрашувлари платформасини яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Ушбу мувофиқлаштирувчи механизмнинг таъсис этилиши ўзаро савдони сезиларли даражада кўпайтириш учун биргаликда самарали ечимларни топиш ҳамда 2030 йилга бориб, минтақа мамлакатлари ва Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 20 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Саноат кооперацияси ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш доирасида минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базаси бўлиб хизмат қиладиган “Марказий Осиё — Корея” саноат-технологик паркини Ўзбекистонда ташкил этишга тайёрлик билдирилди.

Мамлакатлар ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри шериклик алоқаларининг йўлга қўйилиши иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи экани ва бунга келгуси йили Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё ва Корея учинчи ҳудудлараро форумида барча мамлакатлардан маҳаллий ҳокимлик ва бизнес вакиллари иштирок этиши орқали эришиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Учинчи йўналиш нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очишга қаратилган.

— Ушбу қимматбаҳо хомашёга бўлган талаб тез ўсиб бораётгани ва унинг Марказий Осиёдаги улкан захираларини ҳисобга олган ҳолда, минтақа жаҳон бозорида етакчи етказиб берувчилардан бирига айланишга қодир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу боис минтақада ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари — геологияқидирув ва қазиб олишдан тортиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган йирик саноат кластерларини ташкил қилиш мақсадида нодир минераллар бўйича Минтақавий инвестициявий альянсни шакллантириш таклиф этилди.

Ҳамкорликнинг тўртинчи йўналиши “яшил” тараққиёт ва иқлим ўзгаришига мослашиш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Иқтисодиётларимиздаги бир-бирини тўлдириб турувчи имкониятларни бирлаштириш мақсадида Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углерод ҳамкорлиги бўйича форматни ишга тушириш таклиф этилди.

Бешинчи йўналиш ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича биргаликда ишлашни назарда тутади.

Марказий Осиё — алоҳида демографик энергияга эга бўлган минтақа бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

— Биз учун ёш авлод келгусида илғор билимлар, кўникмалар ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имконига эга бўлган ҳолда, замонавий технологик иқтисодиётнинг бир қисмига айланиши жуда муҳим, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Шу муносабат билан инсон капиталини ривожлантириш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликни шакллантириш таклиф этилди. Ушбу ҳамкорлик “буюртма — ўқитиш — бандлик” деган аниқ тамойилга асосланиши керак.

Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёшларнинг тутган ўрни жуда муҳим. Шу боис Президент Ли Чжэ Мённинг “Ўхшаши йўқ Корея” доктринасини ушбу кенг кўламли жараён учун Марказий Осиёдаги асосий таянч майдонлардан бирига айлантириш таклиф этилди.

Якунда Ўзбекистон келгуси йилда Корея Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ва корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигига бағишланган байрам тадбирларини энг юқори даражада ўтказишга тайёр экани таъкидланди.

Саммитда бошқа етакчилар ҳам сўзга чиқди. Тадбир якунлари бўйича Сеул декларацияси ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишларига тааллуқли бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” бизнес саммитида ҳам иштирок этди.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳамда Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашдилар.

Мамлакатимиз етакчиси бизнес саммит иштирокчиларини самимий қутлаб, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” формати бугун сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорликни мамлакатлар салоҳиятининг бир-бирини тўлдириши тамойили асосида йўлга қўйишни таклиф қилди. Бунда корейс компаниялари Марказий Осиёни 80 миллиондан ортиқ аҳолига, ўсиб бораётган талабга ҳамда катта ресурс, энергетика ва инсон салоҳиятига эга ягона имкониятлар макони сифатида қабул қилиши муҳимлиги таъкидланди.

Ҳар бир мамлакатнинг хомашё базасидан келиб чиқиб, Марказий Осиёда саноат кооперациясини ривожлантириш ва тўлиқ ишлаб чиқариш занжирларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Ўзбекистоннинг минерал-хомашё базаси камида 3 триллион долларга баҳоланмоқда.

Нодир минераллар соҳасида яқин йилларда умумий қиймати 4 миллиард долларлан ортиқ бўлган 120 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Минтақанинг ресурс базасини Кореянинг молиявий ва технологик имкониятлари билан бирлаштириб, асосий эътиборни хомашё экспортидан кўра уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш таклиф этилди.

Қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологияларни жорий этиш ва кадрлар тайёрлаш муҳим йўналиш сифатида белгиланди. Мамлакатларимизга Корея компаниялари, университетлари ва тадқиқот марказларини жалб этиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи билан ҳимояланган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун ягона ҳамкорлик тизимини яратиш таклиф қилинди.

Сунъий интеллектга алоҳида эътибор қаратилди. У беш йил давомида ҳар бир мамлакат иқтисодиётида камида 10 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш имконини беради. Шу мақсадда Қорақалпоғистонда сунъий интеллект дата-марказлари учун кенг имтиёзларга эга хаб ташкил этилди. Корейс компаниялари ушбу соҳага инвестиция киритишга таклиф қилинди.

Яримўтказгичлар ва микроэлектроника ишлаб чиқаришда ҳамкорликнинг истиқболли экани қайд этилди. Нурафшон шаҳридаги Келажак технологиялари маркази негизида яримўтказгичлар, саноат микроэлектроникаси ва янги материалларни лойиҳалаш ҳамда синовдан ўтказиш бўйича қўшма марказ ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Корея ва Марказий Осиё компанияларининг илмий-тадқиқот бўлинмалари ҳамда лабораторияларини жойлаштириш учун шароит яратишга тайёр.

Биотехнологиялар ва фармацевтикани ривожлантиришда катта салоҳият мавжуд. Ўзбекистонда дори воситалари ва тиббий буюмлар бозори ҳажми 3 миллиард долларга етди. Тадқиқотлар, клиник база ва ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи биофармацевтика кластерини ташкил этиш таклиф қилинди.

Бунда асосий эътибор мутахассислар тайёрлашга, жумладан, минтақа микёсида муҳандисларни ўқитиш ва уларнинг Корея лабораториялари ҳамда илғор корхоналарида стажировка ўташини ташкил этиш бўйича ягона дастурни йўлга қўйишга қаратилди.

Корейс компаниялари мисни қайта ишлаш, электротехника ускуналарини ишлаб чиқариш, автомобиль ва электромобиль саноати учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, робототехника ва автоматлаштириш, биотехнологиялар ва фармацевтика, гидроэнергетика, энергияни сақлаш тизимлари, энергетика тармоқларини модернизациялаш, шунингдек, транспорт ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга таклиф қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити муносабати билан ташкил этилган расмий қабулда иштирок этди.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Эътиборли жиҳати, олий мартабали меҳмонлар учун тайёрланган маданий дастурда юртимиз санъат усталари ҳам иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи якунланди.

ЎзА.

Тараддуд

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ФОРУМИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигида Хива шаҳрида 29-30 сентябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форумига тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусь Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатларини стратегик даражага олиб чиқди ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперацияси, қўшма инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Уларни амалга оширишда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутади. Хусусан, парламент дипломатияси орқали ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, йиғилишда Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форумига тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ташкил этиш, янги ҳамкорлик келишувларига эришиш ҳамда форум натижаларини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

Форумнинг асосий мақсади Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги стратегик шерикликни парламентлараро мулоқот ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва инновацион ҳамкорликни қўллаб-қувватлашнинг қонунчилик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, саноат кооперацияси, рақамли трансформация, агросаноат мажмуаси, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш орқали мустаҳкамлашдан иборат.

Форум доирасида Парламентлараро комиссия, Ёшлар парламентларининг мажлиси, маҳаллий вакиллик органларининг учрашуви ҳамда Ўзбекистон — Беларусь аёлларининг тўртинчи бизнес форумини ташкил қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Беларусь аёллари бизнес форумлари икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги самарали мулоқот майдони сифатида намоён бўлаётир. Унинг доирасида юзлаб тижорат шартномалари, инвестиция келишувлари ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида мустаҳкам ишбилармонлик алоқаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Маълумот учун айтиш жоиз, 2023 йил сентябрда Минск шаҳрида ўтказилган биринчи Ўзбекистон — Беларусь хотин-қизлар бизнес форумида умумий қиймати 28,7 млн. доллардан ортиқ бўлган 42 та ҳужжат имзоланган. 2024 йил августда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи форум якунлари бўйича 89 млн. доллардан зиёд қийматга эга 43 та тижорат битими ва 22 та меморандум қабул қилинган. 2025 йилдаги учинчи форумда эса жами 49 та ҳужжат, жумладан, 88,2 млн. доллар миқдорида 27 та тижорат шартномаси имзоланган.

Тўртинчи бизнес-форумда тўртта секция, хусусан, саноат кооперацияси, қўшма инвестициялар ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, агросаноат мажмуасида озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гуманитар ҳамда ижтимоий ва туризм йўналишларида ҳамкорлик ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича муҳокамалар ўтказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, икки мамлакат тадбиркор аёллари ва давлат органлари ўртасида “B2B” ва “G2B” форматида учрашувлар ташкил этиш, шунингдек, тижорат шартномалари, битимлар ва ҳамкорлик меморандумлари тузиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форумини юқори савияда ўтказиш бўйича вазирлик ва идоралар масъулларига аниқ топшириқлар берилди.

Фикр

ИНСОН КАПИТАЛИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз юритганда, кўпинча савдо, инвестиция ва йирик лойиҳалар тилга олинади. Аммо Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларининг яна бир муҳим жиҳатини — инсонлар ўртасидаги алоқалар, таълим, маданият ва билим алмашинувини ҳам яққол намоён этди.

Олий даражадаги музокараларда таълим ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бугун Ўзбекистонда Корея Республикасининг тўртта университети филиали фаолият юритиб, педагогика, ахборот технологиялари, муҳандислик, рақамли технологиялар каби замонавий йўналишларда мутахассислар тайёрламоқда. “KOICA” кўмагида ташкил этилган бешта касб-ҳунар таълими маркази ҳам ёшларни замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлат ташрифи доирасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар орасида олий, мактаб ва мактабгача таълим соҳаларидаги ҳамкорликка оид келишувларнинг мавжудлиги бу йўналишнинг узоқ муддатли аҳамиятини кўрсатади.

Ташрифнинг инсон омили билан боғлиқ энг эътиборли воқеаларидан бири Президентнинг Корея Республикасида меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошлар билан учрашуви бўлди.

Суҳбат давомида уларнинг ўқиши, меҳнат фаолияти ва келгуси режалари муҳокама этилди. Ватандошлар иқтисодиёт, илм-фан ва таълим соҳаларида икки давлат алоқаларини янада кенгайтириш бўйича ўз таклифларини билдирди.



Айниқса, сунъий интеллект ва Кореянинг рақамли технологияларини Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамда давлат бошқарувига кенг жорий этиш, тиббиёт, транспорт, божхона ва туризм соҳаларида инновацион ечимлардан фойдаланиш, IT мутахассисларини тайёрлаш бўйича билдирилган ташаббуслар диққатга сазовор.

Мулоқот фақат технология ва иқтисодиёт билан чекланиб қолмади. Кореяда ўзбек маданий марказлари тармоғини кенгайтириш, ўзбек тилини ўрганиш дастурларини ривожлантириш, икки мамлакатда маданий тадбирлар ўтказиш, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини корейс тилига таржима қилиш бўйича ҳам таклифлар илгари сурилди.

Мазкур ташаббуслар Ўзбекистон ва Корея муносабатларида инсон капитали тобора муҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатади. Чунки хорижда таълим олаётган ёки меҳнат қилаётган ватандошлар нафақат шахсий тажриба орттиради, балки икки мамлакатнинг илмий, маданий ва профессионал муҳитлари ўртасида табиий боғловчи вазифасини ҳам бажаради.

Олий даражадаги музокараларда 2027 йилни “Маданият ва ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиш бўйича келишувга эришилгани ҳам гуманитар ҳамкорликка берилаётган эътиборнинг яна бир ифодасидир. Унинг доирасида қўшма маданий-гуманитар тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Кореяга давлат ташрифининг гуманитар натижалари узоқ муддатли аҳамиятга эга. Таълим олаётган ёш, тажриба орттираётган мутахассис, икки тил ва икки маданиятни биладиган инсон — буларнинг ҳар бири Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган ўзига хос кўприк. Давлатлар ўртасидаги келишувлар ана шундай инсонлар фаолияти билан уйғунлашгандагина ҳамкорлик жамият ҳаётида аниқ натижалар билан намоён бўлади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Учрашув

МАХСУС ВАКИЛ СЕНАТДА

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Дания Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ларс Туесен билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Дания ўртасида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Олий Мажлис Сенати ҳамда Дания Фолкетинги (парламенти) ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро ташрифлар ва мулоқотларни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, учрашувда икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Дания компанияларини Ўзбекистондаги лойиҳаларга жалб этиш, энергетика, коммунал инфратузилма, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва касбий таълим соҳаларида қўшма ташаббусларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва ёшлар имкониятларини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

МАНАС МАҲАЛЛАСИДА «ШУКРОНАЛИК»

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас маҳалласида “Шукроналик” маънавий-маърифий тадбири ташкил этилди. Унда Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусратилла Пардаев, маҳалла нуронийлари, фаоллари ва ёшлар қатнашди.

Тадбир

Тадбирнинг асосий мақсади мустақилликнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамиятини кенг тарғиб этиш, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрини янада чуқур англашга кўмаклашишдан иборат бўлди.

Унда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат, миллий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлашнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди. Асосан, қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қиладиган Манас маҳалласидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ўзбек ҳамда қирғиз халқларини боғлаб турган тарихий дўстлик ришталарининг амалий ифодаси экани таъкидланди.

Якунда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни қадрлаш, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Қашқадарё вилоятида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ўрганилди.

Парламент назорати

Қўмита ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида аҳоли бандлиги, “Ташаббусли бюджет”, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кредит ва субсидия маблағларини ажратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиш ҳолати муҳокама этилди.

Мамлакатимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни жойида ўрганиш ва уларга амалий ечим топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мажлисда айнан аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, давлат органлари ҳамда ташкилотларининг фуқаролар мурожаатларига эътиборини кучайтириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш, кредит ва субсидиялардан фойдаланиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда “Ташаббусли бюджет” билан боғлиқ мурожаатларнинг амалий ечимини таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Сўзга чиққанлар мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал этишда манзилли ёндашувни таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш ва фуқаролар мурожаатларига самарали ечим топиш муҳимлигини таъкидлади.

Мажлис якунида қўмитанинг муҳокама қилинган масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни татбиқ этишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва технологик ҳамкорликнинг устувор йўналишларини янада аниқ белгилаб берди. Сеулда ўтказилган олий даражадаги музокаралар ҳамда ишбилармон доиралар билан учрашувларда асосий эътибор савдо, инвестиция, саноат кооперацияси ва юқори технологияларга қаратилди.

Бугун Корея Республикаси Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва технологик ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда Корея капитали иштирокида 700 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритаётгани ҳам икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида мустаҳкам алоқалар шаклланганини кўрсатади. Ташриф доирасида эришилган натижаларнинг муҳим жиҳати ҳамкорликни анъанавий савдо муносабатларидан юқори технологик саноат кооперацияси босқичига олиб чиқишга интилишдир.

Хусусан, критик минералларни чуқур қайта ишлаш, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, кибержавфсизлик, транспорт ва темир йўл инфратузилмаси, фармацевтика ҳамда замонавий ишлаб чиқариш соҳаларида янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар якуни бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели қарийб 12 млрд. долларга етгани эътиборга молик. Экспорт-импорт банки билан янги стратегик шериклик дастурининг қабул қилиниши ҳам молиявий ҳамкорликнинг узоқ муддатли механизмларини шакллантиришга кўмак беради.



Айниқса, Ўзбекистон ресурслари, Кореянинг илғор технологиялари ва икки мамлакат компанияларининг инвестиция имкониятларини бирлаштиришга қаратилган ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Бу тайёр хомашёни экспорт қилиш билан чекланмасдан, мамлакатимизда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва янги саноат занжирларини яратиш имконини беради.

Сеулда Жанубий Кореянинг йирик компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотлар ҳам айнан амалий лойиҳаларга йўналтирилди. Автомобилсозлик ва электр транспорт воситалари учун бутловчи қисмлар, мис маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси, рақамли технологиялар каби соҳаларда ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.


Ташриф давомида транспорт, авиация, қишлоқ хўжалиги, туризм, сунъий интеллект, техник кўмак, экология, тиббий маҳсулотларни тартибга солиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди. Шу маънода, Сеулдаги музокараларнинг иқтисодий аҳамияти фақат янги инвестициялар ҳажми билан ўлчанмайди.

Энг муҳим жиҳат — Ўзбекистон ва Корея ўртасида ресурс, технология, капитал ва малакани бирлаштирадиган янги кооперация моделининг шаклланаётгани. Бу эса келгусида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва миллий иқтисодиётнинг технологик салоҳиятини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Анна ДОБРИХ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

2027/2028 ўқув йилидан тиббиёт олий таълим ташкилотларида даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши негизида «5+1» шаклидаги (битирувчи курс талабаларининг бир йил тўлиқ амалиёт ўташи) 6 йиллик умумий тиббиёт бакалавриат таълим йўналиши жорий этилади.

Ўзбекистон — Корея: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш нуқтаи назаридан муҳим сиёсий воқеа бўлди. Мазкур ташриф доирасида эришилган кенг кўламли келишувлар, маданий-гуманитар ришталарнинг мустаҳкамланиши ва парламентлараро мулоқотнинг фаоллашиши парламент зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Акс садо

Стратегик шериклик — фаровонликнинг мустаҳкам пойдевори

Маъруф РАҲМОНОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Корея раҳбарлари ўртасида юксак даражадаги музокаралар ўтказилиб, икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари атрофлича муҳокама қилингани ҳамда салмоқли ҳужжатлар имзолангани ҳамкорликнинг аниқ амалий натижаларга йўналтирилганидан далолат беради.


Икки давлат муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик алоҳида лойиҳалар доирасидан чиқиб, янги саноат ва технологик кооперация тизимига айланиб бормоқда. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди: сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми 5 баробар ошди, Корея инвестициялари 8 млрд. доллардан ортди, мамлакатимизда 700 дан зиёд қўшма корхона ва лойиҳалар шаклланган. Давлатимиз раҳбари қатнашган бизнес-форумда 300 нафардан зиёд давлат идоралари ва ишбилармон доиралар вакилларининг иштирок этгани ҳам иқтисодий мулоқотнинг кўлами кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, тўлиқ ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш, мисни қайта ишлаш, электротехника, автомобилсозлик, робототехника, фармацевтика каби йўналишларда қўшма лойиҳалар кенгайтирилаётгани мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун принципиал аҳамиятга эга. Кореянинг технологияси, капитали ва бошқарув тажрибаси Ўзбекистоннинг ресурс ва инсон салоҳияти билан уйғунлашса, ҳамкорликнинг иқтисодий самараси сифат жиҳатдан янги босқичга чиқади.

Эндиги асосий эътибор имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётий ижросига ва улардан кўзланган ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришишга қаратилиши зарур. Инвестиция мажбуриятларининг реал секторда акс этиши, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва янги иш ўринларини яратиш масалалари парламент назоратининг диққат марказида бўлади. Биз қонун устуворлиги доирасида халқаро келишувларнинг самарали ҳамда сифатли ижросини қўллаб-қувватлаймиз ва назорат қилиб борамиз.

Ватандошларни руҳлантирган тарихий учрашув

Гўзал САМИЕВА,
«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:



— Давлатимиз раҳбарининг хориждаги юртдошлар билан бевосита суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ўқиши ва келажак режалари билан қизиқиши — инсон қадри ва Ватан билан узвий боғлиқлик тамойили амалда намоён бўлаётганидан далолат.

Ватандошларимиз иқтисодиёт, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни жорий этиш, тиббиёт, транспорт, туризм, ахборот технологиялари ҳамда миллий тўлов тизимларини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларини билдирди. Демак, хориждаги юртдошларимиз бугунги Ўзбекистон тараққиёти жараёнига дахлдор, ўз билим ва тажрибаси билан ҳисса қўшишга тайёр фаол куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Айниқса, Кореяда орттирилаётган замонавий билим, касбий кўникма ва илғор тажрибани мамлакатимиз ривожига йўналтириш масаласига эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Бу хориждаги ватандошни фақат меҳнат қилаётган ёки таҳсил олаётган фуқаро сифатида эмас, балки Ўзбекистоннинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини бойитадиган инсон капитали ўлароқ баҳолашнинг муҳим намунасидир.

Бугун Кореяда таълим олаётган талаба, илмий изланиш олиб бораётган профессор, тадбиркорлик қилаётган ишбилармон ёки замонавий технологияларни ўзлаштираётган мутахассиснинг ҳар бири келажакда Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим ресурсга айланиши мумкин. Шунинг учун улар билан мулоқотни йўлга қўйиш — фақат бугунги муаммоларни эшитиш эмас, балки эртанги тараққиёт учун инсон капитали ва миллий салоҳиятни шакллантириш, демакдир.

Инсоннинг қаерда яшаётгани эмас, ўз Ватанига, миллий тили, тарихи, маданияти ва қадриятларига муносабати унинг миллий ўзлигини белгилайди. Давлат раҳбарининг хориждаги ватандошлар билан очиқ ва самимий мулоқоти ана шу маънавий ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзаро ишонч ва муштараклик

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Президентимизнинг Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ва Сеул шаҳрида ўтказилган олий даражадаги музокаралар узоқни кўзлаб олиб борилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, икки мамлакат шериклигида янги, янада масъулиятли саҳифани очиб берди.

Давлатимиз раҳбари биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитидаги нутқида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг бешта асосий устувор йўналишини кўрсатиб ўтди. Булар — савдо алоқаларини изчил диверсификация қилиш, инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада ошириш, муҳим минераллар ресурсларини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, транспорт ва инфратузилма соҳаларида интеграцияни чуқурлаштириш.

Ташриф доирасида умумий қиймати қарийб 12 млрд. долларлик истиқболли инвестиция лойиҳаларининг тайёрлангани ва Корея Эксимбанки билан Стратегик ҳамкорлик дастури қабул қилингани мамлакатимиз иқтисодиётига билдирилаётган улкан ишончнинг амалий ифодасидир.

Ушбу ташрифдаги яна бир муҳим жиҳат — томонларнинг Кореянинг илғор технологиялари ва Янги Ўзбекистоннинг бой хомашё ҳамда кадрлар салоҳиятини бирлаштирган мустаҳкам инновацион ва технологик альянсни шакллантиришга интилаётгани. Бу альянс ахборот технологиялари, киберхавфсизлик, рақамли ечимлар, замонавий тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тарихида илк бор ўтказилган ҳудудлараро форумнинг юқори натижалари ва кейинги форумни тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича келишув ҳудудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни янги босқичга кўтаради.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўп сонли корейс диаспораси Ўзбекистон кўп миллатли оиласининг ажралмас қисми ҳамда халқларимиз ўртасидаги муқаддас “маънавий кўприк”дир. Ушбу гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2027 йилни “Маданият ва ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор халқларимизнинг бир-бирини янада яқинроқ англашига кенг йўл очади.

Халқлар манфаатига хизмат қиладиган муҳим платформа

Анваржон НУРМАТОВ,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Илк бор ўтказилган “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари минтақавий шерикликни амалий мазмун билан бойитиш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан бирга, замонавий технологиялар, инновациялар, рақамлаштириш ва инсон капиталига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни жорий этиш, юқори технологик тармоқларда ҳамкорликни ривожлантиришга, таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларига урғу берилгани муҳимдир.

Зеро, бугун технология тараққиётининг асосий мақсади инсон ҳаётини енгиллаштириш, унинг имкониятларини кенгайтириш ва муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат. Шу маънода, Кореянинг илғор технологик тажрибаси ва Марказий Осиёнинг салоҳиятини бирлаштириш янги иш ўринлари, замонавий касблар, сифатли таълим ва муносиб даромад манбаларини яратиш учун хизмат қилиши керак.

Саммитда минтақавий ҳамкорликни кучайтириш ва Кореянинг илғор тажрибасидан кенг фойдаланишга қаратилган ёндашувлар транспорт, энергетика, инновация, таълим ва бошқа устувор соҳаларда янги қўшма лойиҳалар учун замин яратади. Бу жараёнда инсон капиталига сармоя киритиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки замонавий иқтисодиётнинг энг катта бойлиги — билим ва малакага эга инсон.

Биз, депутатлар учун мазкур ташаббусларнинг энг муҳим мезони — инсон манфаати ва унинг ҳаётидаги аниқ натижадир. Ҳар қандай инвестиция, технология ёки минтақавий лойиҳа, аввало, инсон учун янги имконият яратиши, унинг меҳнати қадрини ошириши, фарзандларига сифатли таълим олиш, замонавий касб эгаллаш ва муносиб ҳаёт кечириш имконини кенгайтириши лозим.

Парламентлараро конструктив мулоқот янада фаоллашади

Гулчеҳра ТОЖИБОЕВА,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:



— Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлантиришда икки мамлакат парламентларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугун парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” фаолият юритмоқда, делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам тус олган.

Миллий Ассамблея ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатасида амалга оширилаётган “Электрон парламент” лойиҳаси ушбу шерикликнинг амалий ифодаси. Зеро, мазкур лойиҳа парламент фаолиятини рақамлаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнларининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбарининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик билан ўтказган учрашуви икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Учрашув якунида 2027 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан “парламент дипломатияси” йўналишида бир қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олингани эса ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва тажриба алмашишни кенгайтиришга замин яратади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи алоқаларни мустаҳкамлашда самарали фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш керак, парламентлараро бевосита мулоқот нафақат қонун ижодкорлиги бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, балки икки мамлакат ўртасида эришилган келишувларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, устувор лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш имконини беради.

«Халқ сўзи».

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ:

УСТУВОР МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш: устувор вазифалар ва парламентнинг роли” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Тадбирда Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида белгилаб берилган инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган еттита миллий дастурнинг учинчиси — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш борасидаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур миллий дастур мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш, инновацияларни иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш, юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш учун имкониятлар эшигини очади.

Иштирокчилар кўзланган мақсадларга эришиш иқтисодиётга замонавий технологияларни кенг жорий этиш билан бирга, инновацион фаолият учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап ва венчур бозорини кенгайтириш ҳамда сунъий интеллект технологияларидан самарали ҳамда масъулиятли фойдаланишни таъминлайдиган қонунчилик асосларини изчил такомиллаштиришни тақозо қилишини қайд этишди.

Хусусан, “Иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш шароитида стартап, венчур ва сунъий интеллект тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш масалалари” мавзуидаги маърузада мазкур соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, инновацион бизнес учун қулай муҳитни кенгайтириш, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва янги технологик ечимларни бозорга олиб чиқиш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокамага тортилди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда соҳа ва тармоқларга илм-фан ва инновацияларни самарали жорий этиш масалалари муҳокамасида эса илм-фан, ишлаб чиқариш ва бизнес ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, илмий ишланмаларни амалиётга тезкор татбиқ қилиш, корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш бўйича вазифа ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сунъий интеллектнинг янги иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш омили сифатидаги ўрни кўриб чиқилиб, сунъий интеллект ечимларини саноат, хизматлар, давлат бошқаруви ва бошқа тармоқларга кенг татбиқ этиш орқали иш жараёнларини оптималлаштириш, харажатларни қисқартириш ва юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Зуҳра МИРҒОЗИЕВА,
қўмита раиси ўринбосари:



— Давра суҳбатида юқори технологик иқтисодиётни шакллантиришда IT-Parknинг ўрни, технологик компаниялар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш, IT-хизматлар экспортини кенгайтириш, маҳаллий технологик маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Қолаверса, сунъий интеллект даврида IT ва креатив иқтисодиёт учун очилаётган янги имкониятлар, интеллектуал меҳнатга асосланган янги касблар ва юқори даромадли иш ўринларини кўпайтириш, ёшларни замонавий технологик кўникмаларга ўқитиш ҳамда уларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик. Бу эса иқтисодиётда инновацион фаолликни кучайтириш ва ёшлар учун замонавий, юқори даромадли иш ўринларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Муҳокамаларда учинчи миллий дастурда белгиланган мақсадларга эришишда парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти муҳим аҳамият касб этиши айтилди. Стартап ҳамда венчур экотизими, сунъий интеллект, инновацияларни тижоратлаштириш ва рақамли ҳамда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга оид қонунчиликни илғор халқаро тажриба ва миллий манфаатлар асосида такомиллаштириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда парламент назорати таъсирчанлигини оширишга қаратилган тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳамкорлигида 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Глобал иқлим ўзгариши шароитида озон қатламини ҳимоя қилишнинг илмий-ҳуқуқий ечимлари” мавзуида семинар ўтказилди.

Қайд этилганидек, юртимизда соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилмоқда. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ва “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар билан табиий муҳит шароитларини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилди.

Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси, Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи ушбу соҳадаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан бошлаб ушбу Конвенция ва Протоколнинг тўла ҳуқуқли томони бўлиб, унинг талабларига изчил риоя этиб келмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар озон қатламини емирувчи моддаларнинг аксарияти муомаладан чиқарилгани таъкидланди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида озонни бузувчи моддалар ҳамда таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солиш механизми жорий этилган, 2018 — 2030 йилларга мўлжалланган импорт меъёрлари белгиланган.

Шунингдек, 2021 йил 25 августда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга озон қатламига зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга доир талабларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи норма киритилгани қайд этилди.

Жорий йил Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни дунё миқёсида “Глобал ҳаракатлар янада салқин сайёра сари — Монреаль протоколининг Кигали тузатишига 10 йил” шиори остида нишонланмоқда. Иштирокчилар Кигали тузатишини ратификация қилиш истиқболлари, шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофазалаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама этилди.

Семинар якунида экологик барқарорликни таъминлаш, энергосамарадор ва “яшил” технологияларга ўтиш ҳамда бу борада давлат назоратини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди ҳамда билдирилган фикр ва таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича функцияларни ихтисослаштириш мақсадида «Ҳудудгазтаъминот» АЖ таъсисчилигида «LPG-Trade» МЧЖ ташкил қилинади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 17 сентябрь

ТУРКИЙ ТИЛДА МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТОЛГАН ЗОТ

Алишер Навоий — она тили шаъни ва қудратининг буюк ҳимоячиси

Миллатнинг хотираси ҳам, тафаккури ҳам, орзу-армонлари, дунёқараши ва руҳияти ҳам, аввало, тилда яшайди. Шу маънода, Алишер Навоийнинг туркий тил олдидаги хизматини фақат буюк шоирнинг адабиётга қўшган ҳиссаси билан ўлчаб бўлмайди. У ўз она тилининг қадри учун курашди, унинг имкониятларини назарий жиҳатдан асослади, амалда шеърияти билан исботлади, давлат ва сарой муҳитидаги нуфузини оширишга хизмат қилди. Энг муҳими, ўз тилини кам кўрадиган, бошқа тилда сўзлаш ёки ижод қилишни маданиятлилик белгиси деб биладиган замондошларига улкан ижодий мероси билан жавоб берди.

Фахр

Навоий туркий тилни бошқа тилларга қарши қўймади. У форсийни ҳам мукаммал билар, Фоний тахаллуси билан бу тилда юксак асарлар яратар, Жомий, Ҳофиз, Саъдий, Низомий, Хусрав Деҳлавий каби буюк сўз санъаткорларига юксак эҳтиром билан қарар эди. Шунинг учун унинг тил ҳақидаги курашини бошқа тилни инкор этиш, деб тушуниш мутлақо хато. Навоийнинг даъвоси бошқа эди: **нега ўз она тили шунчалик бой ва гўзал бўла туриб, унинг фарзандлари ундан уялиши керак? Нега истеъдодли туркийлар ўз тилида эмас, фақат ўзга тилда қалам тебратишни шараф деб билиши керак?**

Она тилимизга қўйилган ҳайкал

Навоий умрининг охирги йилларида — 1499 йилда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини яратди. Бу китобни оддий тил ҳақидаги рисола деб қараш камлик қилади. У бир миллатнинг ўз тилига нисбатан ишончини тиклашга қаратилган маънавий дастурдир. Асарда туркий ва форсий тилларнинг луғавий бойлиги, маъно нозикликларини ифодалаш қуввати, сўз ясаш имкониятлари ва бадиий ифода воситалари қиёсий таҳлил қилинади.

Навоийни, айниқса, бир ҳолат изтиробга солади: туркий халқ орасидан чиққан истеъдод эгалари ўз она тили тургани ҳолда, истеъдодини ўзга тилда намоён этишга ошиқадилар. У алам билан шундай дейди: **“...ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди...”** Агар ижодкор икки тилда ҳам ёза олса, Навоийнинг истаги оддий ва табиий эди: “Ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди...”

Яъни Навоий ҳеч кимга “бошқа тилни ўрганма, бошқа тилда ёзма” демаяпти. Аксинча, икки тилни билиш — фазилат. Аммо инсоннинг ўз она тилини четга суриб, бошқа тилни нуфузлироқ деб билиши уни ташвишга солмоқда. Унинг назарида кўп тил билиш — бойлик, **ўз тилини камситиш эса маънавий йўқотишдир**.

Беш аср аввал айтилган бу фикр бугун ҳам ҳайратланарли даражада замонавий эшитилади.

Чунки тилнинг йўқолиши ҳар доим уни тақиқлашдан бошланмайди. Баъзан у одамнинг ўз тилини “оддий”, “кўпол”, “камбағал” деб ҳисоблай бошлашидан бошланади. Она тилида гапиришдан орланиш, ўзга тилда сўзлашни устунлик белгиси деб қабул қилиш — Навоий даврида ҳам мавжуд бўлган. “Муҳокамат ул-луғатайн” ана шу руҳий тобеликка қарши ёзилган асардир.

Бир тушунча — етти хил ҳолат

Навоий туркий тил бойлигини қуруқ мақтов билан эмас, аниқ далиллар асосида кўрсатади. Асар қўлёзмаларида фарқ бўлишига қараб 99 ёки 100 тага яқин туркий феъл келтирилади ва уларнинг форсийда айнан муқобили ҳар доим ҳам топилмаслиги кўрсатилади.

Энг машҳур мисоллардан бири — йиғлаш ҳолатининг ифодаси.

Навоий “йиғламоқ” атрофида **йиғламсинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўкирмоқ, иничкирмоқ** каби ҳар бири алоҳида руҳий ҳолатни англатувчи сўзларни келтиради. Бир жойда:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламсинуру кўзига келмас ёш, — дейди.

“Йиғламсинмоқ” — чиндан йиғлаш эмас, йиғлаётгандек бўлиш. “Инграмоқ” ва “синграмоқ” эса дардни ичга ютиб, паст овозда нола қилишнинг турли тусларини англатади.



Навоий учун мана шу маъно сояларининг ўзи тил қудратининг далили эди.

Демак, тилнинг бойлиги фақат луғатда қанча сўз борлиги билан исботланмайди. **Бир туйғунинг неча хил рангини ажрата олиши билан ҳам ўлчанади.** Навоий шу жиҳатдан туркий тилнинг қалб кечинмаларини ғоят нозик ифодалай олишини кўрсатди.

Аммо Навоий она тилини фақат “Муҳокамат ул-луғатайн”да ҳимоя қилиб қолмади.

Унинг энг катта далили — ўз ижоди эди. Навоий “туркий тилда оддий шеър ёзиш мумкиндир, аммо Низомий ва Хусрав Деҳлавий сингари буюк достончилик мактабини яратиб бўлмайди”, деган даъволарга ўз туркий **“Хамса”**си билан жавоб берди.

1483 — 1485 йилларда у “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” достонларидан иборат улкан “Хамса”сини туркий тилда яратди. Манбалар ҳар бир достоннинг ана шу икки-уч йиллик ғоят жадал ижодий даврда майдонга келганини кўрсатади.

Туркий тилдаги мўъжизалар

Навоий **туркий тилда фалсафа ҳам, ишқ ҳам, ахлоқ ҳам, сиёсат ҳам, тарих ҳам, инсон руҳиятининг энг мураккаб ҳолатлари ҳам юксак бадиий даражада ифода этилиши мумкин**, деган ҳақиқатни амалда исботлади.

Шу маънода Навоий кейинчалик ўз ижодий зафарини ғоят ифтихор билан:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам,

деб ифодалайди. Бу ердаги “алам” — байроқ. Яъни шоир туркий шеърият байроғини кўтарганини айтади.

Навоий ижоди ҳақида сўз кетганда, айримлар арабий ва форсий сўзларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилганини иддао қиладилар. Шарқ, хусусан, мусулмон халқларининг тилларида бундай ҳол, айниқса, Навоий яшаган даврда табиий саналган. Ҳатто, форсий адабиёт дурдоналарининг ҳам аксариятида арабий сўз ва ибораларнинг бениҳоя кўплиги кўзга яққол ташланади. Ҳазрат Навоийнинг айрим байтлари соф туркий сўзлардан таркиб топгани, шу билан бирга, шакл ва мазмун жиҳатдан мукаммаллиги кишини ҳайратга солади. Масалан:

Найладим, нетдимки, кун кундин узиб мендин кўнгул,
Энди эрмастурсиз андоққим, бурун бор эрдингиз...

Ёки форсий ва арабий сўзлар мутлақо ишлатилмаган мана бу рубоийга эътибор беринг:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

Бу мисралар ҳар қандай ёт сўзлар иштирокисиз ҳам бетакрор шеърлар битиш мумкинлигини яққол кўрсатади. Туркий тилнинг малоҳати, фасоҳати, тенгсиз гўзаллигини ифодаловчи бундай мисолларни Навоий ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Ғазалдаги бир сўз — бир олам

Навоийнинг туркий тил имкониятлари ҳақидаги энг гўзал исботини эса унинг ғазалларидан топамиз.

Талабалик чоғимизда, бир дарсда марҳум устозимиз Омонулла Мадаев ҳазрат Навоийнинг:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас,

шеърини ўқий туриб, беихтиёр йиғлаб юборган, кўзда ёш билан “Навоий инсон эмас, айтинглар, ахир, инсон боласи шундай шеър ёза оладими, а” дегани ҳамон эсимда.

Ёки мана бу мисраларнинг мағзини чақишга уриниб кўрайлик:

Ситам эрмас эдиким, айладинг кўнглумни юз парканд,
Ситам будурки тикмак бирла истарсен анга пайванд.
Ҳам ип кул бўлғаю ҳам игна су бўлғай тикар бўлсанг
Нединким, бор алардин ахтари сўзанда ҳар парканд.

Яъни ошиқ ўз маъшуқасига “сен қалбимни парча-парча қилдинг. Аммо мени энг кўп қийнаётган нарса бу ҳам эмас. Энди уни қайта бир-бирига уламоқчи бўлишинг янада оғир. Чунки қалбимнинг ҳар бир парчаси ишқ оловида шунчалик ёниб, чўғ бўлиб турибдики, уни тикишга ип дош бермай куйиб, игна эса ҳароратидан эриб кетади” демоқда.

Ошиқнинг абгор ҳолатини бундан-да чиройлироқ тарзда яна қандай ифодалаш мумкин?

“Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий форсий адабиётнинг буюк намояндаларини яхши билган ҳолда айрим маъно, сўз ўйини ва туйғу нозикликларини туркийда таъсирчанроқ ифодалаш мумкинлигини мисоллар билан кўрсатади. Хусусан, тажнис ва ийҳом учун туркийдаги кўп маъноли сўзларнинг имконияти кенглигини таъкидлайди.

Эшитдим зулфини юздин кечибдур,
Дедимки кеча кундуздин кечибдур
Агар юз ёшлиға раҳминг келурса,
Менинг ёшим ики юздин кечибдур...

Зулф билан юз одатда тун ва кунга қиёсланади. Юздан пастга тушган зулфни шоир “кечанинг кундуздан ўзиши” ёки кечанинг кундузга нисбатан узайишига қиёслайди. Кейинги байтни эса икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчи маъноси: агар юзи ёшдан ивиган одамга раҳминг келса, қара, менинг ёшларим икки юзимни ювмоқда. Иккинчи маъноси: Агар юз ёшли одамга кекса экан, деб раҳм қилсанг, мен бу раҳмга икки бор сазоворман. Менинг ёшим икки юздан ошган...

Бундай гўзал ўхшатиш, сўз ўйинларини бошқа яна қайси тилда ярата олиш мумкин?

Ҳусайн Бойқаро ва тилнинг нуфузи

Навоийнинг саъй-ҳаракатлари фақат ижодхона билан чегараланмади. У давлат арбоби сифатида ҳам туркий тил мавқеининг юксалишида катта роль ўйнади.

Бу борада унинг яқин дўсти, ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаронинг қўллаб-қувватлаши, айниқса, муҳим эди. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам туркийда ғазаллар ёзган ва туркий ижодни рағбатлантирган. Илмий манбаларда унинг шоирларни она тилида ижод қилишга даъват этгани, ҳатто бу борада махсус фармонлар бергани айтилади. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да буни: **“...назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди...”** деган мазмунда ифодалайди.

Албатта, XV аср воқелигига бугунги конституциявий маънодаги “давлат тили” тушунчасини айнан кўчириш тарихий жиҳатдан эҳтиёткорликни талаб этади. Аммо бир нарса аниқ: **Навоий ва Ҳусайн Бойқаро даврида туркий тил Ҳирот саройи, адабий муҳит ва давлат маданий ҳаётида мислсиз нуфузга эришди.**

Бу жараёнда Навоий беназир ижодкор, мутафаккир ва давлат арбоби сифатида бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилди:

Она тилида буюк адабиётга асос солди.
Она тилида мактублар битди.
Она тилида достонлар яратди.
Она тилида илмий рисола ёзди.
Она тилидаги ижодий муҳит шаклланишига хизмат қилди.

Ва ниҳоят, давлат ҳукмдори эътиборини ҳам шу тилга жалб эта олди.

У бунинг учун тортишди, далил келтирди, рисола ёзди. Энг муҳими, туркий тилда шундай асарлар яратдики, шундан кейин бу тилнинг имкониятини инкор этишнинг ўзи имконсиз бўлиб қолди.

Давлат раҳбарининг доимий эътиборидаги масала

Сир эмаски, Алишер Навоий XV асрда туркий тилнинг бадиий қудрати ва ифода имкониятларини бутун оламга намоён этиб, уни юксак адабий тил даражасига кўтарган эди. Орадан беш асрдан зиёд вақт ўтиб, бугун ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш, уни замон билан ҳамнафас ривожлантириш давлат сиёсатида муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

2019 йил 21 октябрда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни, этиб белгиланди. Она тилимизнинг халқаро минбарларда янграши ҳам бу жараённинг эътиборли воқеаларидан бири бўлди. 2020 йил 23 сентябрда Президент БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлади. Кейинги йилларда ҳам БМТнинг юксак минбаридан Ўзбекистоннинг ташаббус ва позициялари давлат тилида баён қилинди.

Бу масала Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги тантаналарида ҳам алоҳида маъно касб этди. 2026 йил 28 августдаги нутқида Президент мустақиллик “она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб бер-ди”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ушбу минбарда таъкидлаганидек, “Ўзбек тили — рақамли дунёда ҳам илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим”. Бу фикр Навоий бошлаган буюк маърифий анъананинг замонавий давомини эслатади: улуғ шоир ўз замонида туркий тилнинг шеърият ва тафаккур тили бўлишга қодирлигини исботлаган бўлса, бугун ўзбек тили олдида илм-фан, рақамли технологиялар ва инновациялар тили сифатида ҳам ўз имкониятларини кенг намоён этиш вазифаси турибди.

Шак-шубҳасиз, Янги Ўзбекистонда бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ПОПНИНГ КУНГАЙ КЕНГЛИКЛАРИДА



Поп туманида ишга туширилган 500 мегаваттлик қуёш фотоэлектр станцияси ҳам мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Энергетика

Германиянинг “Hyper Partners GmbH” компанияси иштирокида амалга оширилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 350 млн. долларни ташкил этади.

“Яшил” энергетика мажмуаси қуёш фотоэлектр станциясининг электр энергиясини ягона тармоққа узатиш учун зарур инфратузилмани ўз ичига олган. Станция йилига 1 млрд. 95 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу рақамлар лойиҳанинг Наманган вилояти энергетика таъминотидаги аҳамиятини яққол кўрсатади.

Вилоятда энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва янги генерация қувватларини яратиш бўйича ишлар изчил давом этмоқда. Поп туманида Германия ва Бирлашган Араб Амирликлари компаниялари билан ҳамкорликда яна иккита лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада ҳудуднинг генерация қувватлари 2 минг мегаваттдан, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини эса 7 млрд. киловатт-соатдан зиёдга етказиш кўзда тутилмоқда.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

2027-yil uchun doktorantura (DSc), tayanch doktorantura (PhD) va mustaqil izlanuvchilik institutiga tanlov e’lon qiladi. Tanlov quyidagi ixtisosliklar bo‘yicha bo‘lib o‘tadi:

T/r	Ixtisoslik shifri va nomi	Doktorantura		Maqsadli doktorantura	
		DSc	PhD	DSc	PhD
		4	20	1	1
1.	10.00.01 – O‘zbek tili	1	3	1	
2.	10.00.02 – O‘zbek mumtoz adabiyoti	1	3		
3.	10.00.04 – Yevropa va Amerika xalqlari tili va adabiyoti		1		
4.	10.00.05 – Osiyo va Afrika xalqlari tili va adabiyoti		1		
5.	10.00.06 – Qiyosiy adabiyotshunoslik va tarjimashunoslik		2		
6.	10.00.07 – Adabiyot nazariyasi		1		
7.	10.00.08 – Folklorshunoslik		1		
8.	10.00.10 – Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik		1		1
9.	10.00.11 – Amaliy va kompyuter lingvistikasi	1	2		
10.	13.00.02 – Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi		2		
11.	10.00.13 – Qiyosiy va chog‘ishtirma tilshunoslik		2		
12.	10.00.14 – XX asr o‘zbek adabiyoti va hozirgi adabiy jarayon	1	1		

Hujjatlar 2026-yil 15-oktabrga qadar «www.daraja.ilmiy.uz» platformasi orqali onlayn (online) qabul qilinadi. Ixtisosliklar bo‘yicha qabul kvotasi taqsimoti bilan «www.tsuull.uz» saytida tanishishingiz mumkin. Qo‘shimcha ma’lumotlar uchun telefon: +998977565452.

Ижтимоий реестрнинг «давлат таъминотидаги оила» тоифасига киритилган оилалар аъзоларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2027 йилда 300 млрд. сўм фоизсиз кредитлар ажратилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6